



THE PROBLEMS OF THE IMPLEMENTATION OF THE PRELIMINARY CONSOLIDATION OF TESTIMONY IN THE CRIMINAL PROCESS

Muhammadaliev Minhojiddin Kurbanali ugli

Doctoral student of the Faculty of Postgraduate Education of the
Academy of the Ministry of Internal Affairs
minhojiddinmuhammadaliyev97@gmail.com.
UDC: 343.14. ORCID: 0009-0009-2450-774X.
<https://doi.org/10.5281/zenodo.13354302>

ARTICLE INFO

Received: 15th August 2024
Accepted: 20th August 2024
Online: 21th August 2024

KEYWORDS

Testimony, consolidation,
problem, witness, victim,
civil plaintiff, evidence,
assessment, proposal.

ABSTRACT

This article examines the concept and significance of the institution of preliminary confirmation of testimony and outlines the problems of implementing a procedural action for preliminary confirmation of testimony. Suggestions and recommendations were also put forward to improve this procedural action.

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА КЎРСАТУВЛАРНИ ОЛДИНДАН МУСТАҲКАМЛАБ ҚЎЙИШНИ АМАЛГА ОШИРИШДАГИ МУАММОЛАР

Муҳаммадалиев Минҳожидин Қурбонали ўғли

ИИВ Академияси Олий таълимдан кейинги таълим факультети
таянч докторантура докторанти
minhojiddinmuhammadaliyev97@gmail.com.
UDC: 343.14. ORCID: 0009-0009-2450-774X.
<https://doi.org/10.5281/zenodo.13354302>

ARTICLE INFO

Received: 15th August 2024
Accepted: 20th August 2024
Online: 21th August 2024

KEYWORDS

Кўрсатув, кўрсатма,
мустаҳкамлаб қўйиш,
муаммо, гувоҳ,
жабрланувчи, фуқаровий
даъвогар, далиллар,
баҳолаш, таклиф.

ABSTRACT

Мазкур мақолада кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш институтининг тушунчаси ва аҳамияти ҳақида фикр юритилиб, кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш процессуал ҳаракатини амалга оширишдаги муаммолар ҳақида баён қилинган. Шунингдек, ушбу процессуал ҳаракатни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар илгари сурилган.

Дунёнинг барча мамлакатларида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, содир этилган ҳар бир жиноятларни аниқлаш, тез ва тўлиқ очиш, жиноят содир қилган шахсларни айбини тўлиқ исбот қилиш, жиноят-процессуал қонун нормаларига қатъий амал қилган ҳолда далилларни тўплаш, текшириш, баҳолаш ва уларни белгиланган талаблар асосида процессуал расмийлаштириш, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо бериш ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслигига



эришиш, жиноят процессуал қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлаш бўйича самаралари тизимни жорий қилиш ҳамда уларни амалиётга кенг миқёсда қўллаш объектив заруратга айланиб улгурди.

Жаҳонда жиноят ишларини юритиш ва одил судловни амалга ошириш жараёнида суд терговида сўроқ қилиш орқали кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш билан далилларни тўплаш, мустаҳкамлаш ҳамда уларга баҳо бериб, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, жиноят ишларини юритиш давомида қонуний ва адолатли ҳукм, қарорлар ва ажримлар чиқариш, шунингдек, ишни судга қадар юритиш ва суд босқичларида исботлаш жараёнида вужудга келадиган турлитуман муаммоларни қонуний ечимини топишда муҳим аҳамият касб этади. Ҳар бир инсон яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларига эга¹ бўлганидек, ўзи истаган жойда эркин яшаши, шахсий дахлсизлик ҳуқуқларидан фойдаланиши мумкин. Шунингдек, судлар томонидан айнан гувоҳ ва жабрланувчиларнинг кўрсатувлари далил сифатида ҳукм (ажрим ёки қарор) чиқаришида асос бўлиб хизмат қилади. Бу эса суд ҳужжати орқали ҳолислик таъминланишидан дарак беради.

Суд ҳукми суд муҳокамасида текширилган ва баҳоланган далилларга асосланиб чиқаришини инобатга олиб, гувоҳ ва жабрланувчининг кўрсатувлари суд муҳокамасида текширилиб, уларга баҳо бериш муҳим ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ҳозирда жабрланувчи ва гувоҳларни суд муҳокамасига жалб қилишдаги тўсиқларни бартараф этиш мақсадида ЖПКда исбот қилиш билан боғлиқ суд терговининг алоҳида тури сифатида кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаш институти жорий этилган.

Қонунда (ЖПКнинг 121²-м. 1-қ.) гувоҳ ва жабрланувчини судга келишига тўсқинлик қиладиган иккита асослардан қуйидагиларни, яъни:

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига чиқиб кетиши (сабаблари турлича, масалан хизмат сафари, ишлаш ёки яшаш, ўқиш, даволаниш ва ҳоказо кабилар);

Иккинчидан, уларнинг жиноят ишини юритишда иштирок этишни истисно қиладиган оғир ва давомли касаллик мавжудлиги кўрсатилган.

Жаҳонда дунё мамлакатлари ривожланиб бораётганлиги сабабли давлатлараро ҳамкорликлар ҳам кун сайин кучайиб бормоқда. Бундан ташқари фуқароларнинг ҳам чет эл давлатларига турли мақсадларда чиқиб кетиши (ишлаш, саёҳат, яшаш, бизнес ва ҳ.к.лар мақсадида) жуда кўпаймоқда. Жумладан, 2022 йилнинг ўзида Ўзбекистон Республикасидан турли мақсадларда **жами** 10.027.002 нафар, яъни хизмат мақсадида 15.237 нафар, ўқиш мақсадида 143.622 нафар, бўш вақтни ўтказиш ва дам олиш мақсадида 683.796 нафар, қариндошларини йўқлаш мақсадида 4.275.900 нафар, даволаниш мақсадида 44.622 нафар ҳамда яшаш мақсадида 503.202 нафар фуқаролар чиқиб кетганлигини кўришимиз мумкин² [2-илова]. Шу сабабли жиноят иши доирасида иш учун кўрсатувлари жуда муҳим бўлган гувоҳ ва жабрланувчилар ишни судга қадар юритиш босқичида бошқа мамлакатларга чиқиб кетиши, натижада суд жараёнида иштирок эта олмаслиги сони тобора ортиб бормоқда.

¹ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси: <https://constitution.uz/uz/pages/humanrights>

² Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг 2023 йил 23 июнь кундаги маълумотномаси.



Кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш институтининг зарурати борган сайин ортиб бормоқда. Бироқ, таҳлилларга кўра, ишни судга қадар юритиш босқичида кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш билан боғлиқ тергов-суд амалиётини жорий этиш бўйича сусткашлик кўзга ташланмоқда. Бундай ҳолат судда далилларни баҳолаш билан боғлиқ айрим муаммолар келиб чиқишига сабаб бўлади ҳамда суднинг қонуний, асослантирилган ва адолатли қарор чиқаришига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Масалан ушбу процессуал ҳаракат шу кунга қадар жами 34 маротаба (2021 йилда 16 маротаба, 2022 йилда 4 маротаба, 2023 йилда 14 маротаба, шундан 1 таси рад қилинган) амалга оширилганлиги ушбу институтни қўллаш билан боғлиқ амалиётда ва қонунчиликда муаммолар мавжудлигини яққол кўрсатади.

Юқоридаги асослар, биринчидан, Ўзбекистон Республикасининг жиноят процессуал ҳуқуқида судга қадар иш юритиш босқичида кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш институти янги институтлардан бири бўлгани боис илмий-назарий тадқиқот олиб боришни тақозо қилиши; иккинчидан эса мазкур институтни тергов-суд амалиётида қўллашда оқсоқликка йўл қўйилаётганлиги сабабларини илмий жиҳатдан таҳлил қилиш ва амалдаги қонунчиликни мазкур масала бўйича янада такомиллаштириш йўл йўриқларини излашга ундайди.

Кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш процессуал ҳаракатини кам амалга оширилаётганлиги сабаби ушбу институт нормаларида бир қанча муаммолар мавжудлигидан далолат беради. Хусусан, ўтказилган ижтимоий сўров натижаларига кўра, “Нима сабабдан ҳозирда кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш процессуал ҳаракати деярли амалга оширилмаяпти?”, деган саволга респондентларнинг 24,3 фоизи жиноят ишлари доирасида зарурат бўлмаслиги, 35,5 фоизи суриштирувчи ва терговчиларнинг мазкур институт ҳақида етарлича маълумотга эга эмаслиги, 55,7 фоизи кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб процессуал ҳаракатининг айрим нормаларида камчиликлар мавжудлиги ва уни амалга ошириш доирасида бир қанча ташкилий ишлар кўплиги билан боғлиқ муаммолар мавжудлигини кўрсатиб ўтганлар.

Бундан кўриниб турибдики, жиноят ишларида гувоҳ ва жабрланувчиларнинг кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш процессуал ҳаракати ҳақида умуман хабарлари йўқлигини, шунингдек, суриштирувчи ва терговчиларни ҳам ушбу институт моҳияти ҳақида етарлича билимга эга эмаслигидан далолат беради. Бундан ташқари амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигимизда суриштирувчи ва терговчилар томонидан сўроқ қилишдан олдин гувоҳ ва жабрланувчини чет элга чиқиб кетиши ҳақида аниқлик киритиши ҳамда ушбу институтнинг мазмуни ҳақида уларга тушунтириш бериши тартиби кўрсатилмаган.

Натижада иш учун кўрсатувлари муҳим бўлган гувоҳ ва жабрланувчилар ишни судга қадар юритиш босқичида суриштирувчи ва терговчиларга хабар қилмасдан чет элга чиқиб кетишлари кузатилиши тайин. Чунки аксарият ҳолларда фуқаролар чет элга чиқиб кетиш режаларини бир неча ҳафта ёки ойлар олдин тузиб қўйишади. Шахс эркинлиги – инсонга берилган ва ўз қарашлари, хоҳишлари ҳамда тасаввурлари доирасида фикрлаш, ҳаракат қилиш, ўз мақсадларига эришиш имкониятидир.



Кундалик ҳаётда шахс эркинлиги бировнинг хоҳишига, мажбурловига боғлиқ бўлмасдан ўз ихтиёрига кўра ўзини тутиш, ирода қилиш демакдир³. Гувоҳ ва жабрланувчиларнинг чет элга чиқиб кетиш эркинлигини эса чеклаб бўлмайди. Уларнинг кўрсатувларисиз суд жараёнида жиноят ишини тўлиқ, адолати ва объектив кўриб чиқилишига тўсқинлик қилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституцияси 27-моддасида ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга эканлиги, ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши, қамоқда сақланиши ёки унинг озодлиги бошқача тарзда чекланиши мумкин эмаслиги алоҳида қоида сифатида кўрсатиб ўтилган⁴.

Шуни алоҳида айтиш лозимки, гувоҳнинг кўрсатув беришдан бош тортганлиги, шунингдек, била туриб ёлғон кўрсатув берганлик учун қонунда белгиланган тарзда жавобгар бўлиши ҳақида огоҳлантириш (кўрқитиш) ҳисобига ноаниқ, чалғитувчи кўрсатув олиш эмас, балки уларнинг ўз хоҳишлари билан суриштирув ва тергов идораларига келиб, ҳар бир содир этилган ёки тайёрланаётган жиноят ҳақида батафсил кўрсатув беришига эришиш зарур. Бунинг учун эса энг аввало уларнинг ҳаёти, соғлиги, ҳуқуқ ва эркинликлари, шунингдек, хавфсизлиги қонун ҳамда қонуности норматив ҳужжатлар орқали амалда қафолатланган бўлиши керак. Ана шундагина жиноят ёки бошқа ҳуқуқбузарликнинг гувоҳи бўлган шахсларни жиноятларни тергов қилиш жараёнига ҳамкорлик қилиш учун жалб этиш масаласи ҳозиргидай муаммо бўлмайди. Акс ҳолда жиноят ҳақида бирор маълумотга эга бўлган шахслар «оч қорним, тинч қулоғим» қабилида ҳеч нарса билмагандай юраверади⁵.

Шунинг учун ишни судга қадар юритиш босқичида гувоҳ ва жабрланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш вақтида уларга кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш институтининг мазмун-моҳиятини тушунтириш лозим бўлади.

Бундан ташқари, суриштирувчи, терговчи ва прокурор томонидан ишни судга қадар юритиш босқичида сўроқ қилиш тергов ҳаракатини бошлашдан олдин уларнинг четга чиқиб кетиш мумкинлиги ҳақида тўлиқ аниқлик киритиш, кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш институтининг мазмун-моҳиятини тушунтириш мажбуриятини жиноят-процессуал кодексининг сўроқ қилиш тартибига киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг гувоҳ, жабрланувчи ҳамда фуқаровий даъвогарларнинг ҳуқуқларини тўлдириш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда ЖПКнинг 55, 66 ва 57-моддаларида белгиланган гувоҳ, жабрланувчи ҳамда фуқаровий даъвогарнинг ҳуқуқларига **кўрсатувларини олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш бўйича мурожаат қилиш**; жумласини киритиш лозим бўлади. Бу билан жиноят иши бўйича асосан гувоҳлар иш

³ Чутбаев М.Р. Дастлабки терговда гумон қилинувчи ва айбланувчининг ҳуқуқларини чеклаш чегараларини белгилаш муаммолари: монография. – Тошкент: ИИВ Академияси, 2014. – Б. 10.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. <https://lex.uz/docs/6445145> // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 15.09.2023)

⁵ Саидов Б.А. Ишни судга қадар юритишда шахсининг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланишини такомиллаштириш: Юрид. фан. док. (DsC) дисс. – Тошкент: ИИВ Академияси 2020. – Б. 143.



учун муҳим бўлган маълумотларни айтишда кўрсатув беришдан тортиниш ҳолатлари кузатилмайди. Аксинча, чет элга чиқиб кетиши мумкин бўлган гувоҳлар кўрсатувларини олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш бўйича мурожаат қилиш ҳуқуқи борлигини билганидан кейин иш ҳолати бўйича батафсил кўрсатув беради деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек, ЖПКнинг 114-моддасини қуйидаги тартибда 4-қисм билан тўлдириш мақсадга мувофиқ бўлади:

“Ишни судга қадар юритиш ёки суд муҳокамаси чоғида суриштирувчи, терговчи ёки прокурор гувоҳ, жабрланувчини (фуқаровий даъвогарни) сўроқ қилишдан олдин уларнинг чет элга чиқиб кетиши мумкинлигига аниқлик киритиши ва уларга кўрсатувларини олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш процессуал ҳаракатининг мазмун-моҳиятини тушунтириши шарт”.

Шу орқали гувоҳ, жабрланувчи ҳамда фуқаровий даъвогар ўзларининг кўрсатув бериш мажбуриятини кўрсатувларини олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш орқали тўлиқ амалга оширади ҳамда иш учун муҳим бўлган ўзига маълум кўрсатувларни ошкор қилишдан тортинмайди.

Кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш асосларига кўра гувоҳ, жабрланувчи ёки фуқаровий даъвогарни жиноят ишини юритишда иштирок этишни истисно қиладиган оғир ва давомли касаллик мавжудлиги сабабли ҳам уларни кўрсатувлари мустаҳкамлаб қўйилиши мумкин.

Бироқ, ЖПКнинг 121⁴-моддасининг биринчи қисмига асосан гувоҳнинг, жабрланувчининг (фуқаровий даъвогарнинг) кўрсатувларини олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш судда сўроқ қилиш тартибига риоя этилган ҳолда, суриштирувчи, терговчи, прокурор, гумон қилинувчи, айбланувчи, унинг ҳимоячиси ва зарурат бўлганда процесснинг бошқа иштирокчилари иштирокида **фақатгина суд мажлисида** ЖПКнинг 442-моддасига мувофиқ амалга оширилиши белгиланган.

Лекин амалиётда шундай ҳолатларни ҳам учратиш мумкинки, оғир ва давомли касалликка чалинган гувоҳ ва жабрланувчини суд мажлисига таъминлашнинг имконияти бўлмайди. Ҳаттоки уларни ётган ўрнидан ҳам силжитиш тиббиёт нуқтаи назаридан турли хил салбий ҳолатларни келтириб чиқаради. Соғлиғи ёмон бўлган гувоҳ ёки жабрланувчилар ўзининг яшаш хонадонида ёки тиббиёт муассасаларида ётган бўлиши мумкин.

ЖПКнинг кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш учун белгиланган нормаларда шунингдек, 442-моддасида ҳам оғир ва давомли касалликка чалинган гувоҳ ёки жабрланувчи кўрсатувларини мустаҳкамлаб қўйиш жараёнини унинг касал бўлиб ётган жойига борган ҳолда амалга ошириш тартиби кўрсатилмаган. Шунингдек, суриштирувчи, терговчи, судьялар ва бошқа амалиёт ходимлари ўртасида ўтказилган сўровномадаги “Кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш оғир ва давомли касалликка чалинган гувоҳ, жабрланувчи ёки фуқаровий даъвогарни касал ҳолатидаги жойда амалга оширилиши мақсадга мувофиқми?”, деган саволга респондентларнинг 70 фоизи иш ҳолатидан келиб чиқиб, гувоҳ, жабрланувчи ёки фуқаровий даъвогарни касал ҳолатидаги жойда амалга оширилгани маъқуллиги ҳақида фикр билдиришган [1-илова].



Юқоридагиларга асосан, ЖПКда белгиланган кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш тартибига гувоҳ, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарни жиноят ишини юритишда иштирок этишни истисно қиладиган оғир ва давомли касаллик мавжудлиги асоси бўйича суд томонидан касал бўлган жойга борган ҳолда ўтказиш тартибини киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Юқорида берган таклифимизни таҳлил қилиш ва чуқурроқ ўрганиш мақсадида кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш институти мавжуд бўлган хорижий мамлакатларнинг жиноят-процессуал қонунчилигига эътибор қаратишга туртки бўлди.

Жумладан, **Қирғизистон Республикаси** ЖПКнинг 26-боби 198-201-моддаларида кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш институти кўрсатилган бўлиб, 200-моддасининг 1-бандига кўра, судга қадар иш юритиш даврида тергов судьяси томонидан гувоҳ ва жабрланувчини суд мажлисида ёки гувоҳ ва жабрланувчиларни касал ҳолатидаги жойда сўроқ қилиш қоидаларига амал қилган амалга оширилиши белгиланган⁶. **Украина Республикаси** ЖПКнинг 225-моддасида ҳам гувоҳ ва жабрланувчиларни кўрсатувларини олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш соғлиғи ёмон бўлган гувоҳ ва жабрланувчини турган жойида ёки суд мажлисида сўроқ қилиш қоидаларига амал қилган ҳолда процесс қатнашчилари иштирокида амалга оширилиши белгиланган⁷. **Молдова Республикаси** ЖПКнинг 109-моддасига кўра, тергов судьяси томонидан гувоҳни кўрсатувларини олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш суд мажлисида ёки гувоҳ касал бўлган жойида амалга оширилиши мумкинлиги белгиланган⁸.

Кўрсатиб ўтилган хорижий давлатларда кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш асосан айнан ўша оғир касал бўлган гувоҳ ва жабрланувчининг касал ҳолатидаги жойида ёки агар иложи бўлса, суд мажлисида амалга оширилиши мумкинлигини кўришимиз мумкин.

Юқоридагиларга асосан, шунингдек оғир касал ва кўрсатувлари олдиндан мустаҳкамланиши мумкин бўлган гувоҳ ва жабрланувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида ЖПКнинг 121⁴-моддасига қуйидаги таҳрирда иккинчи қисм қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади:

“Оғир ва давомли касалликка чалинган гувоҳнинг ва жабрланувчининг (фуқаровий даъвогарнинг) кўрсатувларини олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш ушбу шахслар қаерда бўлса, ўша жойида ҳам амалга оширилиши мумкин”

⁶ Уголовно-процессуальный кодекс Кыргызской Республики от 2 февраля 2017 года (с изменениями и дополнениями по состоянию на 22.07.2021 г.). [Электронный ресурс]. Режим доступа: https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=36313326&pos=5;-88#pos=5;-88 (Бесплатная онлайн-база данных) / (Электрон манбага мурожаат этилган вақт: 12.07.2023).

⁷ Уголовный процессуальный кодекс Украины от 13 апреля 2012 года (с изменениями и дополнениями по состоянию на 21.03.2023 г.). [Электронный ресурс]. Режим доступа: https://continent-online.com/Document/?doc_id=31197178 / (Бесплатная онлайн-база данных) (Электрон манбага мурожаат этилган вақт: 12.09.2023).

⁸ Уголовно-процессуальный кодекс Республики Молдова от 14 марта 2003 года (По состоянию на 31.07.2023) [Электронный ресурс]. Режим доступа: https://continent-online.com/Document/?doc_id=30397729#pos=1676;-40 (Электрон манбага мурожаат этилган вақт: 12.09.2023).



Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, юқорида таъкидлаб ўтилган таклифларни жорий қилиш, жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқий онгини юксалтириш билан бирга, жиноят-процессуал фаолиятда иш учун муҳим бўлган кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйишга, бу билан суд жараёнида ишни тўлиқ ва объектив кўриб чиқилишига эришиш мумкин. Бундан ташқари, гувоҳ ва жабрланувчилар (асосан гувоҳлар)нинг кўрсатувлари мустаҳкамланмасдан чет элга чиқиб кетиш ҳолатларига чек қўйилади.

References:

1. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси: <https://constitution.uz/uz/pages/humanrights>
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг 2023 йил 23 июнь кундаги маълумотномаси.
3. Чутбаев М.Р. Дастлабки терговда гумон қилинувчи ва айбланувчининг ҳуқуқларини чеклаш чегараларини белгилаш муаммолари: монография. – Тошкент: ИИВ Академияси, 2014. – Б. 10.
4. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. <https://lex.uz/docs/6445145> // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 15.09.2023)
5. Саидов Б.А. Ишни судга қадар юритишда шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланишини такомиллаштириш: Юрид. фан. док. (DSc) дисс. – Тошкент: ИИВ Академияси 2020. – Б. 143.
6. Уголовно-процессуальный кодекс Кыргызской Республики от 2 февраля 2017 года (с изменениями и дополнениями по состоянию на 22.07.2021 г.). [Электронный ресурс]. Режим доступа: https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=36313326&pos=5;-88#pos=5;-88 (Бесплатная онлайн-база законодательная база данных) / (Электрон манбага мурожаат этилган вақт: 12.07.2023).
7. Уголовный процессуальный кодекс Украины от 13 апреля 2012 года (с изменениями и дополнениями по состоянию на 21.03.2023 г.). [Электронный ресурс]. Режим доступа: https://continent-online.com/Document/?doc_id=31197178 / (Бесплатная онлайн-база законодательная база данных) (Электрон манбага мурожаат этилган вақт: 12.09.2023).
8. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Молдова от 14 марта 2003 года (По состоянию на 31.07.2023) [Электронный ресурс]. Режим доступа: https://continent-online.com/Document/?doc_id=30397729#pos=1676;-40 (Электрон манбага мурожаат этилган вақт: 12.09.2023).